



Халқ сўзи

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2026 йил 26 июнь, № 129 (9300)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 июнь куни Америка Қўшма Штатларининг Савдо вакили Жеймисон Грирни қабул қилди.



Учрашув аввалида вакил мамлакатимиз етакчисига АҚШ Президенти Дональд Трампнинг самимий салом ва эзгу тилақларини етказди.

Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини, аввало, савдо-иқтисодий соҳада янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Ишбилармонлик алоқалари фаоллашгани, ўзаро товар айирбошлаш ва инвестиция кўрсаткичлари барқарор ўсиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Яқинда бўлиб ўтган Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Америка бизнеси вакиллари билан ўтказилган давра суҳбатининг амалий натижалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши доирасида ҳамкорлик қилиш ва ушбу жараёнлар келгусида ҳам АҚШ томонидан қўллаб-қувватланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Янги лойиҳавий ташаббусларни аниқлаш ва илгари суриш учун Америка — Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестиция кенгаши механизмидан самарали фойдаланиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири, Глобал ўзгаришлар институти раиси Тони Блэрни қабул қилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни экспертлик жиҳатидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Глобал ўзгаришлар институти билан амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари қўриб чиқилди.

Тони Блэр Янги Ўзбекистондаги изчил ва кенг қўламли трансформация жараёнларига юксак баҳо берди. Яқинда бўлиб ўтган Тошкент халқаро инвестиция форуми юртимиз инвестициявий жозибдорлигини мустаҳкамлаш, ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш ва истиқболли ташаббусларни илгари суриш учун самарали халқаро майдон бўлгани эътироф этилди.

Иқтисодийётнинг муҳим тармоқларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, етакчи халқаро технологик компаниялар ва йирик стратегик инвесторларни жалб этиш ҳамда рақамли трансформация жараёнларини жадаллаштириш, жумладан, илгор инновацион ечимларни жорий қилиш келгусидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

ЎЗ.А.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ТАРМОҒИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС ҲОЛДА КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 25 июнь куни қурилиш материаллари тармоғида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари асосий масалага ўтишдан аввал ўтган ҳафта юксак савияда ўтказилган бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми якуналарига тўхталди. Форум доирасида хорижий ҳамкорлар билан 43 миллиард долларлик 177 та келишувга эришилгани таъкидланди.

— Ҳар бир келишув лойиҳага, иш ўрнига, юқори қўшилган қийматга айланиши шарт, — деди Президентимиз.

Мутасаддиларга хорижий инвесторлар томонидан билдирилган 120 та тақлифнинг ечими бўйича қарор лойиҳасини киритиш топширилди. Умуман, тармоқ раҳбарлари ва ҳокимлар инвестиция сифати ва самардорлиги бўйича ёндашувларини ўзгартириши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Сўнгги беш йилда юртимизга киритилган жами инвестициянинг ярами 4 та ҳудуд ҳиссасига тўғри келган. Лекин жалб қилинган сармоянинг иқтисодийётга қайтими бўйича ҳудудлар ўртасида катта тафовут бор. Шу боис ҳокимлар қайси туманда қайси тармоқни қандай ривожлантириш, қайси лойиҳага инвестиция олиб келинса, энг юқори

самарадорликка эришиш мумкинлигини аниқ ҳисоб-китоб қилиши кераклиги қайд этилди. Бунинг учун иқтисодийётдаги 12 та тармоққа 14 та “ақл маркази”, 37 та соҳавий илмий институт ва олийгоҳлар номма-ном бириктирилди. Барча тармоқ раҳбарларига “ақл марказлари”, соҳавий илмий институт ва олийгоҳлар билан ҳар бир туман имкониятини ўрганиб, ялпи ҳудудий маҳсулот ўсишига катта туртки берадиган лойиҳалар тўпламини тайёрлаш топширилди.

Президентимиз қурилиш материаллари соҳасини қурувчининг ишончини қозонадиган, сифат, стандарт, ассортимент ва нарх бўйича комплекс ечим тақлиф қиладиган тармоққа айлантириш лозимлигини таъкидлади.

Бундан 10 йил олдин маҳаллий қурилиш материаллари деганда, асосан, қум-шағал, гишт, цемент, ойна ва шифер тушунарлар, бу эса қурилишда ишлатиладиган жами материалларнинг нари бора 30 — 40 фоизини ташкил этар эди. Сўнгги ўн йилда соҳага 12 миллиард доллар инвестиция киритилиб, 4 мингдан ортиқ замонавий корхоналар ишга туширилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз истиқлолининг миллий давлатчилигимиздаги роли ва Янги Ўзбекистонимизнинг бугунги ҳамда келгуси тараққиётидаги аҳамиятини чуқур англаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллигини мамлакатимизнинг улкан салоҳияти ва жаҳон майдонидаги юксак нуфузига муносиб тарзда нишонлаш учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Мустақиллик — мард ва олижаноб халқимизнинг қатъий иродаси, истиқлол йўлида кураш олиб борган фидойи аждодларимизнинг жасорати ва матонати билан қўлга киритилган, Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган эзгу ишларимизнинг асоси, келажак авлодларимиз учун безавол етказишимиз шарт бўлган буюк ва муқаддас қадриятдир.

Айнан истиқлол туфайли янгиланган Конституциямиз ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси асосидаги тараққиёт йўлимиз юртимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инсон қадр-қимматини улуғлаш, жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, буюк тарихимиз ҳамда миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, минтақамизда яхши қўшничилик муносабатларини қарор топтириш, мамлакатимизнинг халқаро обрў-эътиборини юксалтиришда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунинг учун ҳам амалга оширилаётган

кенг қўламли ислохотлар натижасида юртимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончи ортомқда, онгу тафаккури ва дунёқараши янгиланмоқда.

Бу борадаги ишларимизни изчил давом эттириш ва янги босқичга кўтариш, шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудрати ва салоҳияти, жаҳон майдонидаги нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган, ўзининг қўп йиллик фидокорона меҳнати, юксак касбий маҳорати ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки билан эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлган ватандошларимизни муносиб тақдирлаш мақсадида:

1. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишонини таъсис этилсин.

2. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишонлари ҳамда уларнинг гувоҳномалари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С. Ш. Мирзиёева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2026 йил 25 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 25 июндаги ПФ-118-сон фармони
1-илова

«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги» эсдалик нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишонини билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадлари дахлсизлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлаш, демократик ислохотларни рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшган, Янги Ўзбекистоннинг халқаро микёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни янги босқичга кўтариш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувликни, тинчлик ва барқарорликни асраш, инсон қадрини улуғлаш борасидаги ишларда сиққидилган хизмат қилган, қўп йиллик самарали меҳнати билан халқимиз фаровонлигини юксалтириш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол йўлларига садоқат руҳида тарбиялаш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келётган юрдошларимиз, барча соҳалар вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланади.

2. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишонини билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишонини Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари, вазирлик, идора ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, бунга вакил қилинган бошқа шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Муқофотланганларга эсдалик нишонини билан бирга унинг гувоҳномаси берилади.

4. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишонини кўракнинг чап томонида давлат муқофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 25 июндаги ПФ-118-сон фармони
2-илова

«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги» эсдалик нишони ТАВСИФИ

“Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишонини 0,25 миллион қалинликда олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади. Эсдалик нишонининг умумий баландлиги 58 миллиметрни ташкил этади.

Эсдалик нишонининг марказида, диаметри 24,5 миллиметрли доира ичида “Янги Ўзбекистон” боғида жойлашган “Истиқлол” мажмуаси тасвирланган бўлиб, унинг фонида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Самарқанддаги янгиланган Имом Бухорий мажмуаси акс эттирилган.

Эсдалик нишонининг юқори қисмида баландлиги 2,5 миллиметр бўлган “O‘ZBEKISTON MUSTAQILLIGINING”, ўртасида баландлиги 9,5 миллиметр бўлган “35” рақами ва қуйи қисмида баландлиги 2,5 миллиметр бўлган “YILLIGI” ёзуви, унинг икки томонида эса дафна япроқлари акс эттирилган. Ёзувлар ва япроқлар зархаланган.

Нишоннинг орқа томони марказида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган. Унинг пастки қисмида мустақилликнинг ўттиз беш йиллигини ифодаловчи “1991 — 2026” рақамлари ёзилган. Гербининг диаметри 24 миллиметр, рақамларнинг баландлиги 2,6 миллиметр.

“Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг
35 йиллиги” эсдалик нишонини

Олд томони



Орқа томони



Эсдалик нишонини илгакчалар ва халқча ёрдамида тўртбurchак шаклидаги қадағичга уланган.

Қадағичнинг эни — 24 миллиметр, баландлиги — 16 миллиметр бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидagi шoйи лeнтa билан қопланган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабарикдир. Қадағичнинг орқа томонида эсдалик нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида очиклик ва ошкоралик тамойилларини мустаҳкамлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, Янги Ўзбекистондаги демократик ислохотлар, янгиланиш жараёнлари ва эришилаётган ютуқларни кенг ёритишдаги катта хизматлари, замонавий журналистика учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Абдуллаев Фарход Бадалович — «Севибли» телеканалининг «Эслаб, эслаб» лойиҳаси бошловчиси

Казакбаев Тулкун Мухитдинович — Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, ёзувчи ва публицист

Курбонова Азиза Абдусабитовна — Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказининг ахборот тайёрлаш бўлими етакчи мутахассиси

Солиева Азизахон Тургуновна — Бувайда тумани «Бувайда кўзгуси» газетаси бош муҳаррири, Фарғона вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Атабекова Зухри — ижтимоий тармоқлардаги «Zuhra_buvi» саҳифаси асосчиси, блогер

Бирюков Валерий Васильевич — «ТАСС» ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири

Мустакимов Рим Мунирович — «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари тахририяти катта мусахҳиҳи, Самарқанд вилояти

Наханов Жаҳонгир Атаярлович — «Ishonch» ва

«Ishonch-Doverie» газеталари бош муҳаррири ўринбосари

Сувонов Лутфулла Хайруллаевич — «Янги Ўзбекистон» газетаси тахририятининг ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳуқуқ бўлими катта мухбири

Тулєгенов Шарафитдин Бакирович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O‘zbekiston 24» радиоканали халқаро таҳлилий дастурлар гуруҳи муаллиф-шаҳрловчиси

Ширмухамедов Дилшод Сағдуллаевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O‘zbekiston 24» иходий бирлашмаси телеоператори

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Ризаев Муроджон Зияевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Sport» иходий бирлашмаси футбол трансляцияларини уюштириш муҳарририяти шаҳрловчиси

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

«Соғлом турмуш» медали билан

Хайитова Лайло Сатторовна — «Xabar.uz» интернет нашрининг Бухоро вилояти бўйича мухбири

«Келажак бунёдкори» медали билан

Мажидов Шохрух Голиб ўғли — «Kun.uz» интернет наشري мухбири

Меликўзиев Равшанбек Исомиддин ўғли — ижтимоий тармоқлардаги «Platina.uz» ва «Pinkod.uz» саҳифалари асосчиси, блогер

Тўлқинова Махлиё Озод кизи — ижтимоий тармоқлардаги «Sinchalak blog» саҳифаси асосчиси, блогер

«Шухрат» медали билан

Абдуллаев Аъло Абзалович — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомухбири

Авалбоев Икром Холйигитович — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири

Аллаев Акбарали Одинамахматович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» ижодий бирлашмаси муҳаррирлар гуруҳи бош муҳаррири

Аскарлов Жобирхон Козим ўғли — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси матбуот котиби

Атамуратов Илхамбек Мухамметали ули — «Жаслар ТВ» телеканали ва «Нукус ФМ» радиоси бош муҳаррири, Қорақалпоғистон Республикаси

Аълоева Нигорахон Акром кизи — «Daryo.uz» интернет наشري муҳаррири

Закирова Нодира Насировна — «Бир сафда» журнали тахририяти бўлим муҳаррири

Ибрагимова Зебинисо Асатовна — Нурота тумани ахборот-кутубхона маркази ахборот-библиография хизмати раҳбари, Навоий вилояти

Иргашева Махсума Рахматовна — «Саодат» журнали мусаҳҳиши

Каримов Бахтиёр Алмосбоевич — «Менинг юртим» телеканалнинг кино тахририати муҳаррири

Каримова Одинахон Бокбиллоевна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Yoshlar» ижодий бирлашмаси директорининг «Navo» телеканали бўйича ўринбосари

Кулматова Дилафруз Равшановна — «UzReport TV» телеканали катта муҳаррири

Логвина Юлия Сергеевна — «Народное слово» газетаси бўлим муҳаррири

Махмудов Отабек Улуғбекович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston tarixi» телеканали илмий-таҳлилий ва интеллектуал кўрсатувлар муҳарририяти телеоператори

Мир-Артиков Нуриддин Махкамович — Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг босма чеҳи чоп этувчиси

Мирсадиқов Миравзал Мирвахидович — «Yoshlar ovozi» масъулияти чекланган жамиятининг «НIT FM» радиоси продюсери

Нишанов Нодирбек Искандарович — ижтимоий тармоқлардаги «Qurultoy» саҳифаси асосчиси, блогер

Пайдаев Хасан Ибрагимович — Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази етакчи мутахассиси

Салимов Тимур Мирсамат ўғли — «Zo'g TV» телеканали продюсери

Усупов Якуб Кабилджанович — «Milliy» телеканали техник директорининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси	Ш. МИРЗИЁЕВ
Президенти	
Тошкент шаҳри, 2026 йил 25 июнь	

Сенат кўмитасида судларга мурожаат этиш тизимини янада қулайлаштириш йўлида



Таъкидланганидек, прокуратура органлари томонидан ҳисобот йилида ижтимоий соҳадаги қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қaratилган.

Хусусан, Бош прокуратура масъул бўлган жами 7 та лойиҳа доирасида 2025 йил давомида 4,5 млрд. долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режаси амалда 5,3 млрд. долларга ёки 117 фоизга бажарилган. «Яширин иқтисодиёт»га барҳам бериш ва бизнесни соядан чиқаришга қaratилган тадбирлар доирасида «Raqaamli bozor» ва «Parking Management System» дастурлари асосида рақамлаштириш ишлари йўлга қўйилиб, ҳисобот йилининг ўзида доимий фаолият юритаётган 157 та деҳқон бозо-

Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органларининг 2025 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

ри ҳамда 151 та автотураргоҳ фаолияти тўлиқ рақамлаштирилган.

Йигилишда прокурорларнинг судлардаги иштироки, коррупцияга қарши курашиш борасида қўрилаётган чоралар, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш, тергов ва тезкор-қидирув фаолияти бўйича амалга оширилган ишларга ҳам алоҳида эътибор қaratилди.

Сенаторлар прокуратура органларининг амалга оширган ижобий ишларини эътироф этган ҳолда, фаолиятининг айрим йўналишларида назоратни янада кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Кўмита йигилишидаги навбатдаги масала — «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартiriшлар киритиш тўғрисида»ги қонун муҳокамаси бўлди.

Мазкур қонун билан Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодексларига ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ТАРМОҒИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС ҲОЛДА КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

Натижада цемент, ойна, базальт, керамик буюмлар, газоблок, қуруқ қоришмалар каби асосий турдаги 20 дан ортиқ маҳсулотларга бўлган ички талабни тўлиқ қоплайдиган қувватлар яратилди. Иссиқлик сақловчи, композит материаллар, экологик пардозлаш материаллари ва пол қопламалари каби юқори қўшилган қийматли янги йўналишлар жадал ривожланмоқда.

Бугунги кунда янги уй-жойлар ва саноат бинолари қурилиши учун зарур материалларнинг 98 фоизини мамлакатимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада ўтган даврда соҳада ишлаб чиқариш ҳажми 7 триллион сўмдан 53 триллион сўмга ошди, экспорт эса ўтган йили 1,2 миллиард долларни ташкил этди. Энг муҳими, тармок импорт ўрнини босишнинг муҳим босқичидан ўтди.

Йил бошида аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича катта дастур қабул қилинган. Унга кўра 2040 йилга қадар қуриладиган уй-жойлар сонини 2 қарра ошириб, йилига 280 мингтага етказиш, «Янги Ўзбекистон» массивларини 61 тадан 120 тага кўпайтириш режа қилинган.

Бундан ташқари, ҳар йили 20 — 25 миллион квадрат метр тижорат бинолари фойдаланишга топширилмоқда. Уй-жой ва тижорат биноларининг ўзи йилига камида 10 миллиард долларлик қурилиш материалларига талаб яратмоқда.

Тошкент халқаро инвестиция форумида хорижий ҳамкорларга яна 27 миллиард долларлик инфратузилма лойиҳалари тақлиф қилинди. Жиззахда атом электр станцияси, Тошкент вилоятида 4-мис бойитиш фабрикаси, Ўрта Чирчида 20 миллион йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга Янги Тошкент аэропорти, Янги Тошкентда 55 минг ўринли футбол стадиони, 282 километрлик Тошкент — Самарқанд автомабиль йўли каби йирик лойиҳаларда ҳам, биринчи навбатда, қурилиш материаллари зарур бўлади.

Бундай йирик лойиҳаларда фойдаланиладиган материалларга стандарт, сифат ва

сертификат бўйича юқори талаблар қўйилиши табиий. Шу боис йирик лойиҳаларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан боғлайдиган янги тизим яратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йирик ва мегалойиҳаларга сармоя киритаётган инвесторлар импорт материалларни олиб келишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилишни сўрамоқда. Шу билан бирга, бундай лойиҳаларга ўз маҳсулотини тақлиф қилиш истагида бўлган маҳаллий корхоналар ҳам кўп. Улар қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёз маҳаллий маҳсулотларга ҳам қўллansa, сифат ва стандарт бўйича рақобатга тайёр эканини билдирмоқда.

Мутасаддиларга йирик ва мегалойиҳаларга импорт ҳамда маҳаллий маҳсулотларни етказиб беришда тенг шароитни таъминлаш бўйича қарор лойиҳасини киритиш топширилди.

Йигилишда ҳудудларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган икки йиллик дастур ижросига ҳам эътибор қaratилди. Дастур доирасида 34 та йирик туризм объекти, 1 мингдан ортиқ жойлаштириш воситалари, жумладан, 200 та меҳмонхона қуриш режа қилинган.

Ҳокимлар ҳудудларида барпо этилаётган меҳмонхоналарда маҳаллий материаллар улушини камида 95 фоизга етказиши зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимизда ҳар йили ўртача 65 минг якка тартибдаги уй-жой қурилмоқда, яна 200 — 250 минг хонадон таъмирланмоқда.

— Очик айтиш керак, ҳали кўпчилик энергiateжамкор материалларини афзалликларига ҳақида етарлича хабардор эмас, — деди Президентимиз.

Хонадонларни иситишнинг ўзига иқтисодиётдаги жами газ истеъмолининг 20 фоизи, электр энергиясининг эса 11 фоизи сарфланмоқда. Агар уйнинг фасад ва том қисми иссиқлик сақловчи материал билан қопланса, энергiateжамкор ойна қўйилса, энергия сарфи 30 фоизгача камаяди.

Бу борада Франция ва Буюк Британия

компаниялари ишлаб чиққан янги лойиҳалаш ёндашуви асосида Қашаши туманида 4 минг хонадонли «Янги Ўзбекистон» масивси қурилмоқда. Мазкур лойиҳада тўлиқ энергiateжамкор маҳаллий маҳсулотлар ишлатилиб, таннарх 20 фоизга арзон тушади, уйни иситиш ва совитиш харажатлари 25 — 30 фоизга қисқаради.

Вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимларига Қашаши тажрибаси асосидаги янги лойиҳалаш ёндашувини ўрганиш топширилди. Жорий йилда Янги Ўзбекистон қиёфаси олиб кириладиган 33 та туман ва шаҳарда кўп қаватли уй-жойлар қурилиши фақат шундай ёндашув асосида амалга оширилиши белгиланди.

Экспорт масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Кўшни давлатлар йилига 13 миллиард долларлик қурилиш материалларини импорт қилмоқда. Марказий Осиё давлатларининг ўзига экспортни қўшимча 440 миллион долларга ошириш имконияти бўлиши таъкидланди.

— Бир нарсани билинглар: ташқи бозорларда кучли рақобат, ҳар бир доллар учун кураш кетаётган ҳозирги шароитда экспортни кўпайтириш учун ноанъанавий ечимлар керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Озарбайжон, Грузия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби мамлакатларда уй-жой ва тижорат объектилари қуриш бўйича катта дастурлар амалга оширилмоқда. Агар Ўзбекистон уй-жой қуриш бўйича ушбу давлатларнинг ишончли ҳамкорига айлansa, бу электроника, уй текстили ва мебель корхоналари учун ҳам янги экспорт имкониятларини очади. Шу боис масъулларга Боку, Тбилиси, Москва, Остона ва Бишкекда 3-4 тадан намунавий, энергiateжамкор уй моделини қуриб, «road-show» ўтказиш топширилди.

Соҳада энергия самарадорлигини ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Сўнгги ўн йилда қурилиш материаллари корхоналари фойдаланадиган шартли ёқилги ҳажми 2 қарра камайдди. Тармоқдаги электр истеъмолининг 65 фоизи тўғри

келадиган 34 та йирик корхонада энергия аудити ўтказилгани ҳисобидан ўтган йилнинг ўзида 240 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалди.

Лекин бу ҳали етарли эмаслиги қайд этилди. Вилоят ҳокимларига қурилиш материаллари корхоналарини технологик модернизация қилиш орқали энергия сарфини камайтириш бўйича катта дастурни бошлаш топширилди. Бунда иситиш ва қуришти печлари, теғирмонлар ишга энергия сарфи юқори бошқа ускуналарни энергия-тежамкорларига алмаштирган корхоналарга сўмдаги кредитининг 7 фоизи, хорижий валютадаги кредитининг 4 фоизи компенсация қилиб берилади.

Мамлакатимизда цемент, базальт, ойна, керамик плита каби маҳсулотлар бўйича яратилган қувватлар 2035 йилгача бўлган эҳтиёжларни қоплашга етарли. Энди инвесторларни бундай маҳсулотларни кўпайтиришга эмас, мавжуд қувватларни модернизация қилиб, юқори қўшилган қиймат берадиган лойиҳаларга жалб қилиш кераклиги таъкидланди.

Қурилиш материаллари корхоналарига сертификат олиш билан боғлиқ барча харажатни тўлиқ қоплаб берувчи тизим мавжуд. Бу каби имконият бошқа бирорта тармоқда йўқ. Лекин бундай сертификатларнинг ягона маълумотлар базаси бўлмагани учун харидорлар кўпроқ ўзи билган, халқаро сертификатга эга чет эл товарларини танламоқда.

Мутасаддиларга маҳаллий ва хорижий сертификати бор қурилиш материалларини электрон платформасини ишга тушириш, вилоят ҳокимлари билан бирга шу йилнинг ўзида яна камида 50 та қурилиш материаллари корхонасига халқаро сифат сертификати олишда кўмаклашиш топширилди.

Йигилиш давомида мутасаддиларнинг ҳисоботлари, қурилиш материаллари корхоналари вакилларининг тақлиф ва ташаббуслари тингланди.

ЎзА.

МАҲАЛЛАЛАР ВА ИЖТИМОЙ СОҶА ОБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИ — ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Олий Мажлис Сенати аъзолари бошчилигидаги ишчи гуруҳлар томонидан Тошкент вилоятининг Янгийўл ва Ангрэн шаҳарлари, шунингдек, Янгийўл, Оҳангарон туманларида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ҳамда ижтимоий хизматлар сифати, таълим муассасалари, маданий-ҳордик масканлари фаолияти ва жиноятчилик кўрсаткичлари юқори бўлган ҳамда “қизил” тоифага киритилган қатор маҳаллаларда ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганиш

Хусусан, Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Янгийўл шаҳридаги 5-умумтаълим мактабининг моддий-техник базаси, таълим жараёни учун яратилган шарт-шароитлар, спорт иншоотлари ва кутубхона фаолиятини жиддий таҳлил қилди. Бунда ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда таълим сифатини ошириш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қaratилди.

Шунингдек, Янгийўл шаҳар кўп тармокли марказий поликлиникасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати, янги фойдаланишга топширилган даволаш бўлимида яратилган шароитлар, рақамлаштирилган бошқарув тизимининг самарадорлиги ўрганилди. Муассасада хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш максодида йўлга қўйилган тиббий скрининг хизматлари ҳам кўздан кечирилди.

Ишчи гуруҳ узок йиллар давомида қаровсиз ҳолатда бўлган Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш-обodonлаштириш ишлари билан ҳам танишди. Мазкур ҳудудда замонавий спорт иншоотлари, дам олиш, кўнгилочар масканлар барпо этилмоқда ва 30 июнь — Ёшлар кунида фойдаланишга топширилиши режа-лаштирилган.

Фаровон маҳалласида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш тизими, аёллар ётоқхонасидаги шароитлар, шунингдек, «аёллар дафтери» ва «ёшлар дафтери» доирасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги таҳлил қилинди. «Маҳалла еттилиги» фаолиятини янада кучайтириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг муаммоларини манзилли ҳал этиш бўйича масъулларга тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди.

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси ишчи гуруҳи Тошкент вилоятининг жиноятчилик кўрсаткичлари юқори бўлган ҳамда “қизил” тоифага киритилган қатор маҳаллаларида ўрганишлар ўтказди.

Хусусан, Янгийўл туманида Жам-

бул, Ўзбекистон, Туюбғиз, Хонкўрғон, Гулбоҳар ва Қўқаламзор, Янгийўл шаҳрида Мезон, Туркистон ва Олтинобод, Оҳангарон туманида Ёнарик, Ангрэн шаҳрида Нурчи маҳаллаларидаги ҳолат атрофлича таҳлил қилинди.

Ўрганишлар давомида «маҳалла еттилиги» фаолияти, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарадорлиги, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ҳолати, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш чоралари, шунингдек, жиноятчиликка сабаб бўлаётган омиллар кўриб чиқилди.

Жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, хавф гуруҳига кирувчи шахслар билан манзилли ишлаш, аҳолининг ижтимоий муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш ва «маҳалла еттилиги» фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Таҳлиллар айрим маҳаллаларда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашда камчиликлар сақланиб қолаётганини кўрсатди. Жумладан, муаммоларни эрта аниқлаш, ижтимоий профилактика тадбирларини манзилли олиб бориш, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, жиноятчиликка олиб келаётган омилларга кескин чоралар қўришда масъул идоралар ўртасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегишли давлат органлари ва ташкилотларига тақлиф ҳамда тавсиялар киритилди. Мазкур масалаларнинг ижроси устидан парламент назорати амалга оширилиши таъкидланди.

Бундан ташқари, давлат органлари ва ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, давлат харидалари соҳасида қонунчилик талабларига риоя этиш ҳамда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш масалаларига ҳам эътибор қaratилди.

Ўрганишлар якунида маҳаллаларда хавфсиз муҳитни шакллантириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олишга қaratилган таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъулларнинг вазифалари белгилаб берилди.

«Халқ сўзи».

МУҲАРРИР МАСЪУЛИЯТИ

Июнь миллий журналистикамиз тарихида алоҳида ўрин тутади. Зеро, мамлакатимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни айни шу ойда нишонланиши чўқур тарихий илдиэларга ээалиги барчамизга маълум. Шунданми, ҳар сафар июнь кириб келиши билан ҳар бйримизни ҳаётимиз мазмунига айланган касбий фаолиятимиз ҳақидаги ўйлар қамраб олади: улугъ маърифатпарвар аждодларимизга муносиб ворис бўла олдикми, бугун мамлакатимизда юз бераётган улкан ўзгаришларга ўзимизнинг ҳиссамизни қўша оляпмизми, замон билан ҳамнафас қадам ташляпмизми деган саволлар ўйлантиради.

Нйгоҳ

Янги Ўзбекистон ҳақида сўз борганда, аввало, жамият руҳиятида юз бераётган улкан ўзгаришлар кўз олдимизга келади. Бугун инсон қадри, очиклик, халқ билан мулоқот, қонун устуворлиги ҳамда давлат идораларининг жамоатчилик олдида ҳисобдорлиги каби тамойиллар ҳаётимизга тобора чўқур сингиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган кенг кўламли ислохотлар нафақат иқтисодиёт, таълим, тиббиёт, суд-ҳуқук, ижтимоий ҳимоя ёки тадбиркорлик соҳаларида, балки бутун ахборот майдонида ҳам янги даврни бошлаб берди.

Энг муҳими, бугун юртимизда сўз эркинлиги, фикрлар хилмаҳиллиги, журналистнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва масъулият, очик фикрли муҳит қарор топиб бормоқда. Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий қафолатлари изчил мустақамланяпти. Янги тахрирдаги Конституцияда ОАВнинг эркин фаолият юритиши билан боғлиқ муҳим қоидалар мустақамлаб қўйилган, шунингдек, соҳага оид ҳуқуқий асослар мунтазам такомиллаштирилаётгани ҳам беҳиз эмас.

Президентимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табрикларида ҳам ахборот соҳасини эркинлаштириш, фуқаролик жамиятини қарор топтириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг устувор йўналишлари экани алоҳида таъкидлаб келинмоқда.

Эркинлик — имконият

Бугун журналист жамият ҳаётидаги ўзгаришларни кузатувчи оддий томошабин эмас. У ислохотлар жараёнидаги фаол иштирокчиси, халқ ва давлат ўртасидаги ишонч кўприги, муаммоларни илғаб, уларни очик қўтариб чиқадиган, савол қўя оладиган ва ечим сари жамоатчилик фикрини ўйналтиришнинг улдасидан чиқадиган ижтимоий кудир. Шу маънода, эркин ва масъулиятли матбуот — демократиянинг беэаги эмас, балки унинг ҳаётий эҳтиёжи эканини яна бир бор таъкидлаш жоиз.

Яқин ўтмишда соҳамизга муносабат қандай бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Тан олайлик: илгари матбуотда ҳар бир сўз муайян олақдан ўтар, айрим мавзуларни матбуотга олиб чиқишни қўя турмайлик, улар ҳақида очикроқ гаплашишнинг ўзи мушкул масала эди. Одамлар баъзи ҳақиқатларни айтишдан чўчир, журналист эса бу муаммоларни қўрган ҳолда уларни халқ минбарига олиб чиқиш имконига эга эмасди. Тахрирлардада эҳтиёткорлик, ортикаъ ўзини тийиш, “Бу гапни ёзиш мумкинми-йўқми?” деган ички саволлар ижодий жасоратни чекаб турарди.

Бугун эса вазият тубдан ўзгарди. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари учун кенг майдон очилди, журналистлар муаммоларни кўтариш, савол бериш, давлат идоралари фаолиятини жамоатчилик назари билан баҳолаш имкониятига эга бўлди.

Аммо эркинлик — бу тартибсизлик ёки масъулиятсизлик эмас. Эркинликдан қандай фойдаланиш ҳар бир журналистнинг касбий савияси, виждони ва ҳуқуқий маданиятига боғлиқ.

Ана шу нуктада бош муҳаррирнинг ўрни янада яққол намоён бўлади. Бош муҳаррир сўз эркинлигини шов-шув, шахсий манфаат ёки бир кўнлик обрў орттириш воситасига айлантириб юбормаслиги керак. У эркинликдан ҳақиқатни очиш, халқ дарадини кўтариш, ислохотларга тўсиқ бўлаётган муаммоларни очик қўрсатиш, шу билан бирга, жамиятни парокандаликка эмас, соғлом фикр ва амалий ёчимлар сари йўналтириш учун фойдаланиши лозим. Демак, бош муҳаррир учун эркинлик — масъулият билан бошқариладиган улкан имконият.

Бироқ бир ҳақиқатни унутмаслик керак: оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, таъсирчанлиги, холислиги ва жамиятга фойда келтириши фақат қонунлар ёки техник имкониятлар билан белгиланмайди. Бу, аввало, тахририят позицияси, ундаги ижодий муҳит, ахборотга муносабат, касбий мезонлар ва албатта, тахририят бораери — бош муҳаррир шахсиятига бевосита боғлиқ.

Тахририятнинг қалби

Хўш, муҳаррир ким ўзи? Муҳаррир — фақат мақолани тузатувчи, сарглавха қўювчи ёки саҳифани имзолловчи шахс эмас. У — тахририятнинг қалби, фикрий маркази, ахлоқий мезони ва касбий талабчанлик тисмоли. У — журналистни шошалоқликдан, маттни юзалиқликдан, газетани эса бефарқликдан асрайдиган шахс. Бир вақтнинг ўзида у ташкилотчи, таҳлилчи, устоз, тарбиячи, мунаққид, жамоат арбоби ва энг муҳими, халқ дарадини тинглай оладиган зиёлидир.

Яхши муҳаррир бор жойда тахририятда фикр ўйғок, ижодий муҳит соғлом бўлади. Муҳаррир ўз вазифасини тўғри англамаган жойда эса энг иқтидорли журналист ҳам аста-секин оддий ахборот ташувчига айланиб қолиши мумкин. Чўнки матбуотда сўзнинг тақдир кўпинча му-



фессиионал тахририят ва масъулиятли муҳаррирнинг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам юқори бўлиб бормоқда.

Чўнки журналистика — бу фақат тезкорлик эмас. Журналистика, аввало, фактни текшириш, манбаларни таққослаш, воқеа-ходисаларни таҳлил қилиш, унинг қўбатларини олдиндан қўра билиш, инсон тақдирига бефарқ бўлмаслик ва жамият манфаатини шахсий манфаатдан устун қўя олиш демакдир. Бу касбий мезонларни тахририятда ким белгилайди? Албатта, муҳаррир.

Муҳаррир ҳар кўни ўнлаб муҳим қарорлар қабул қилади. Қайси мавзун кўн тартибига олиб чиқиш керак? Қайси муаммони чўқурроқ ўрганиш лозим? Қайси мақолада далиллар етарли эмас? Қайси сарлавҳа ҳаддан ташқари кескин ёки чалғитувчи? Қайси ибора инсон шаъни ва қадр-қимматига даҳл қилиши мумкин? Қайси хабар жамиятда нотўғри тасаввур уйғотиши эҳтимолдан холи эмас? Мазкур саволларга адолат, юксак масъулият асосида жавоб топиш ҳамда шу негизда ишнинг ташкил қилиш нашр нуфузига, ўқувчи ишончига, айрим ҳолларда эса инсонлар тақдирига бевосита таъсир қўрсатади.

Ҳақиқий муҳаррир журналистан фақат: “Материал қачон тайёр бўлади?” деб сўрамайди. У, аввало: “Бу муаммонинг илдиэи қаерда?”, “Унинг ечими нима?”, “Бу мақола халққа қандай фойда беради?”, “Материал ислохотларнинг асл моҳиятини очиб бера оладими?”, “Бу ерда фақат танқид борми ёки амалий тақлиф ҳам борми?” деган саволларни қўяди.

Чўнки яхши муҳаррир ахборот ортидаги маънони, воқеа ортидаги сабабни ва танқид ортидаги мақсадни қўра олади. У газетани қўндалик хабарлар тўпламига эмас, балки жамият фикрини шакллантирувчи, одамларни ўйлашга ундайдиган ва тараққиётга хизмат қиладиган маънавий майдонга айлантиради.

Жамоатчилик фикрини шакллантириш муҳим

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида кейинги йилларда мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат бошқарувида очикликни таъминлаш, маҳалла даражасига тушиб ишлаш, одамлар дарадини эшитиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, камбағалликни қисқартириш, таълим ва тиббиётни модернизация қилиш, суд-ҳуқуқ тизимида адолатни қарор топтириш каби устувор йўналишлар бугун мамлакат тараққиётининг асосий мезонига айланган.

Бироқ ҳар қандай ислохотнинг ҳақиқий қиймати унинг қабул қилинишида эмас, балки инсон ҳаётида қандай натижа бераётганида намоён бўлади. Фармон ёки қарор қабул қилиниб, дегани ислохот мақсадга етди, дегани эмас. Янги ғоя ва ташаббуслар халқ ҳаётига чўқур кириб бориши, одамларга манфаат келтириши ва амалий самара бериши учун уларнинг мазмунини кенг жамоатчиликка тўғри, сода, ишонарли ва таъсирчан тарзда етказилиши лозим.

Ана шу жараёнда оммавий ахборот воситалари зиммасига катта вазифа юклатилади. Матбуот ислохотларнинг мазмунини тушунириши, уларнинг амалий натижаларини таҳлил қилиши, мавжуд муаммоларни қўрсатиши ва жамоатчилик фикрини шакллантириши зарур. Бу вазифаларнинг муваффақияти эса қўп жиҳатдан муҳаррирнинг дунёқараш, касбий маҳорати ва фуқаролик позициясига боғлиқ.

У давлат сиёсати билан халқ эҳтиёжи ўртасидаги нозик боғлиқликни англай олиши керак. Масалан, тадбиркорликка берилган имтиёэлар ҳақида ёзиш — бу фақат рақамлар ва статистикани келтириш эмас. Бу рақамлар ортида янги иш ўринларини, оила фаровонлиги, маҳаллада иқтисодий фаоллик ва ёшларнинг келахакка ишончи мумассас. Тиббиёт соҳасидаги ислохотлар ҳақида ёзиш ҳам шифохона ёки тиббиёт муассасаси очилгани хабар қилиш билан экланмайди. Муҳаррир журналистан: беморга муносабат қандай ўзгарди, кишлоқдаги аҳоли тиббий хизматдан қанчаллик баҳраманд бўлмоқда, шифокор масъулияти ва хизмат сифати қай даражада ошиди деган саволларга жавоб излашни талаб қилиши лозим.

Муҳаррир айнан ана шу теранлиқни талаб қиладиган шахсдир. У мақола ортида инсонни қўра олади. Рақамлар ортида тақдирни қи қилад. Танқид ортида эса ечимини излайди. Чўнки матбуотнинг вазифаси муаммонни санаб ўтиш эмас, балки унинг сабабларини очиш ва жамоатчиликни ечим ҳақида ўйлашга ундашдан иборат.

Бугунги янгиланишлар даврида муҳаррир ташаббускор бўлиши, тахририят кўн тартибини жамият эҳтиёжлари билан ўйғунлаштира олиши керак. Қайси ҳудудда ислохотлар самараси яққол сезилипти? Қайси жойда қарорлар ижроси сўт кечмоқда? Қайси соҳада одамлар халқ ҳам муаммоларга дуч келмоқда? Қайси илгор

тажрибани бошқа ҳудудларга намуна сифатида татбиқ этиш мумкин? Ана шу саволларни тахририят олдига қўядиган раҳбар, шубҳасиз, кўчли муҳаррирдир.

Юрт раҳбарига ҳақиқий мадад ҳам айнан шунда. Бу қуруқ мақтов ёки расмий ҳисоботбозлик эмас. Бу, аввало, ислохотлар моҳиятини халққа тўғри тушунтириш, одамларни қўйнаётган саволларга жавоб излаш, амалга оширилаётган ишлар натижасини ҳаётий мисоллар орқали қўрсатиш ва энг муҳими, мавжуд тўсиқ ҳамда камчиликларни холисона ёритишдир. Зеро, раҳбар ташаббусларининг жойларда қандай ижро этилаётганини, улар халқ ҳаётида қандай акс садо бераётганини ҳаққоний қўрсатиш матбуотнинг ҳам, муҳаррирнинг ҳам энг муҳим фуқаролик бурчларидан биридир.

Фаолият мезони — таҳлил, таққос ва холислик

Шу маънода, муҳаррир ташаббускор тахририят мактабини шакллантириши лозим. У журналистларни кабинетда эмас, ҳаётнинг ўзида ишлашга ўргатиши керак. Уларни ҳудудларга юбориши, одамлар билан юзма-юз мулоқот қилишга ундаши, рақамлар ортидаги инсон тақдирини қўра билишга одатлантириши зарур. Танқидий материаллар билан бир қаторда ечим тақлиф қиладиган таҳлилий мақолалар сонини кўпайтириш ҳам муҳаррирнинг муҳим вазифаларидан биридир. Ана шундай муҳаррир ислохотларга қорғозда эмас, амалда хизмат қилад, халқнинг овозини давлатга, давлатнинг мақсад ва ташаббусларини халққа етказди.

Эркин оммавий ахборот воситаларининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳам муаммоларни яширмасдан, бироқ масъулият билан ёритишдан иборат. Бугун давлат идоралари ҳам, жамоатчилик ҳам очик мулоқотга тобора кўпроқ қўникиб бормоқда. Танқидга муносабат ўзгармоқда, жамоатчилик назоратининг аҳамияти ортиб бормоқда. Албатта, бу жараёнда турли мураккаблиklar, тушуновчиликлар ва эскича қарашлар ҳам учраб туради. Бироқ матбуотнинг вазифаси шов-шув кўтариш ёки қарама-қаршилиқ яратиш эмас, балки жамиятни соғлом фикр ва холис ҳулоса сари бошлашдир.

Муҳаррир айнан ана шу меёрни сақлайдиган шахс бўлиши керак. У танқидни адолатга айлантираслиги, мақтовни мадҳдоҳлик даражасига қўтармаслиги, ахборотни эса ҳар қандай ғараз ва бирёқламликдан ҳимоя қилиши лозим. Муҳаррир учун энг ҳавфли ҳолат — бефарқлик. Чўнки бефарқ тахририят жамият дарадини сезмайди. Бефарқ муҳаррир мавзунинг орғирлиқ нукталарини юмшатади, ҳақиқатни умумий ва расмий гаплар ичига яширади.

Аслида эса муҳаррир жамиятдаги ўзгаришларни теран нйгоҳ билан кузатадиган, замон руҳини англайдиган, халқ кайфиятини ҳис қиладиган зиёли бўлиши лозим. У “Нима ёзамиз?” деган саволдан аввал “Нега ёзамиз?” деган саволга жавоб топиши керак. Чўнки матбуотнинг қудрати фақат ахборот тарқатишда эмас,

Бугунги янгиланишлар даврида муҳаррир ташаббускор бўлиши, тахририят кўн тартибини жамият эҳтиёжлари билан ўйғунлаштира олиши керак. Қайси ҳудудда ислохотлар самараси яққол сезилипти? Қайси жойда қарорлар ижроси сўт кечмоқда? Қайси соҳада одамлар халқ ҳам муаммоларга дуч келмоқда? Қайси илгор тажрибани бошқа ҳудудларга намуна сифатида татбиқ этиш мумкин? Ана шу саволларни тахририят олдига қўйдиган раҳбар, шубҳасиз, кўчли муҳаррирдир.

Юрт раҳбарига ҳақиқий мадад ҳам айнан шунда. Бу қуруқ мақтов ёки расмий ҳисоботбозлик эмас. Бу, аввало, ислохотлар моҳиятини халққа тўғри тушунтириш, одамларни қўйнаётган саволларга жавоб излаш, амалга оширилаётган ишлар натижасини ҳаётий мисоллар орқали қўрсатиш ва энг муҳими, мавжуд тўсиқ ҳамда камчиликларни холисона ёритишдир.

балки жамиятда фикр, муносабат ва масъулият шакллантиришидадир. Бугун фуқаролик журналистикаси, блогерлик ва ижтимоий тармоқлар жамият ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда. Улар кўпинча муаммонни биринчи бўлиб кўтареди, жамоатчилик эътиборини жалб қилад, давлат идораларини ҳаракатга келтиради. Бу — замон талаби. Буни инкор этиб бўлмайди. Аксинча, бугунги ахборот маконини мазкур жараёнларсиз тасаввур қилиш қийин.

Бироқ тезкорлик ҳар доим ҳам ҳақиқат дегани эмас. Қўп ҳолларда ижтимоий тармоқларда тарқалган маълумотлар қўшимча текширувни, таҳлилни ва холис баҳорни талаб қилад. Ана шу нуктада профессионал журналистика билан фуқаролик журналистикаси ўртасидаги фарқ яққол намоён бўлади. Агар блогер муаммони кўтарса, муҳаррир бошчилигидаги тахририят унинг сабабларини ўрганади, далилларни текширади, турли томонларнинг фикрини олади ва жамоатчиликка мукаммал манзарани тақдим этади. Шу нуктаи назардан аънавий журналистика, айниқса, газетачилик ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, ахборот оқими мислсиз даражада қучайган бугунги шароитда унинг қадри янада ошиб бормоқда.

Замонавий муҳаррир ракобатдан қўрқмаслиги, балки янги ахборот муҳити билан ҳамнафас ишлай олиши керак. У ижтимоий тармоқларни рақиб эмас, жамиятдаги кайфият ва муаммоларни ўрганиш имконияти сифатида қабул қилиши

лозим. Чўнки бугун ахборот учун кураш эмас, ишонч учун кураш кетмоқда. Ишонч эса фақат ҳақиқатга содиқ, касбий масъулиятни ҳис қиладиган ва халқ манфаатини устувор деб биладиган муҳаррир қўлга кирита олади.

Газета — шошилич реакция эмас, ўйланган муносабат. Журнал — таҳлил ва тафаккур мактаби. Професионал тахририят эса ахборотни саралайдиган, текширадиган, баҳолайдиган ва унинг оқибати учун жавобгарликни ҳис қиладиган ижодий лабораториядир. Ана шу лабораториянинг бойида муҳаррир туради.

Сирасини айтаман, муҳаррир — сўз посбони. Тахририят виждони. У журналистнинг устози. Ўқувчи ишончининг қафолатчиси. Халқ билан давлат ўртасидаги мулоқот маданиятини шакллантирувчи шахс. Ислохотлар моҳиятини англадаиган, муаммоларни очик қўрсатадиган, жамиятни ўйлашга, изланишга ва янгиланишга қорлайдиган зиёлидир.

Бугун ахборот дунёсида чегаралар тобора шартли тус олмақда. Бироқ ҳақиқат билан ёлғон, холислик билан ғараз, таҳлил билан шов-шув, журналистика билан оддий “контент” ўртасидаги чегарани сақлаб қолиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифага айланмоқда. Бу чегарани, аввало, муҳаррир сақлайди.

Матбуотнинг кучи хилмаҳилликда

Шу ўринда яна бир мулоҳазали масала ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз.

Бир неча йиллар муқаддам айрим давраларда “Муҳаррирлар кенгаши тузиш керак!”, “Барча газеталар ягона марказ атрофида бирлашиши лозим!”, “Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш учун доимий бошқарув механизми бўлиши зарур” деган фикрлар ҳам илгари сурилган эди. Бир қарашда бундай ёндашув тартиб-интизомни мустақамлаш, маълум даражада мувофиқлаштириш ва умумий йўналиш белгилаш нуктаи назаридан маъқулдек кўриниши мумкин.

Аммо матбуотнинг табиатига чўқурроқ назар ташласак, масаланинг бошқа жиҳатлари ҳам намоён бўлади. Зеро, ҳар бир тахририятнинг ўз аудиторияси, ўз ижодий муҳити, ўз услуби ва ўз қараш мавжуд. Энг муҳими, тахрирлардада меҳнат қилаётган ижодкорлар, тахрир ҳайъати ва тахрибали муҳаррирлар кўпинча ҳар қандай марказлашган тузилмадан қўра ҳаётни, жамият эҳтиёжини ва ўқувчи талабини яхшироқ ҳис этади.

Матбуотнинг куч-қудрати ҳам айнан шу хилмаҳилликда намоён бўлади. Турли қарашлар, турфа услублар ва ҳар хил тахририй ёндашувлар жамиятда фикрлар ранг-баранглигини таъминлайди. Агар барча нашрлар бир хил қолип, бир хил қараш ёки бир хил қарорлар асосида ишлаб бошласа, матбуот ўзининг энг муҳим хусусияти — мустакил фикрлаш ва эркин иход қилиш имкониятидан маҳрум бўлиши мумкин.

Шу боис матбуот соҳасида ҳамкорлик ва тахриба алмаштиш зарур, албатта. Аммо ижодий жараёни ортикаъ марказлаштириш ёки тахририятларни ягона фикр доирасига солишга уриниш журналисти-

да намоён бўлади. Эркин матбуотнинг қиймати ҳам шундаки, у жамиятда турли нуктаи назарларнинг мавжуд бўлишига, фикрлар баҳси ва соғлом мулоқот муҳитининг шаклланишига хизмат қилад.

Албатта, тахририятлар ўртасида ҳамкорлик, тахриба алмаштиш, касбий маслаҳатлашув ва умумий муаммоларни биргаликда муҳокама қилиш зарур. Бу — давр талаби. Ахборот майдони тез ўзгараётган, ракобат қучайиб бораётган шароитда журналистлар ва муҳаррирларнинг бир-бирдан ўрганиши, илгор тахрибларини оммалаштириши фақат фойда келтиради.

Бироқ ҳамкорлик билан марказлашган бошқаруви адаштирамаслик лозим. Муҳаррирни фақат буйруқ бажарувчи шахсга айлантириш, газетани эса мустакил ижодий майдон эмас, маъмурий тизимнинг оддий бўлини сифатида қўриш матбуотнинг табиатига зиддир. Чўнки журналистика, аввало, мустакил фикр, ижодий изланиш ва жамоатчилик олдидаги масъулиятга таянади.

Ҳақиқат ва адолат ҳимоячиси

Ҳар бир инсоннинг ўз касбига садоқати, етуқлиги ва зиммасидаги вазифага юқори масъулият билан ёндашиши мамлакат тараққиётда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Боғбон дарахтарлар меҳр билан қараб, боғини обод қилса, деҳқон ҳар қарич ердан мўл ҳосил олиш учун бор билим ва тажрибасини сафарбар этса, чўпон подасининг сони ва наслини яхшилаш ҳақида қайғурса, тадбиркор янги иш ўринлари яратиб, иқтисодиётга ҳисса қўйса, шифокор инсон саломатлиги учун курашса, ўқитувчи билимни ва ватанпарвар авлодни тарбияласа жамият юксалади. Чўнки ривожланиш ҳар ким ўз ишини ҳалол ва пухта бажариши билан таъминланади.

Шу маънода, журналистнинг ҳам ўз вазифаси бор. У қалам ва сўз қудрати воситасида жамиятдаги муаммоларни қўрсатиши, ҳақиқатни излаши, одамларни ўйлантириши ва ислохотларга жамоатчилик эътиборини қаратиши керак. Аммо бунинг учун унга эркин ишлаш имконияти зарур. Журналист фаолиятига турли даражада аралашиш, унга нимани ёзиш ёки ёзмаслиқни ўргатиш, ҳақиқатни айтиш йўлида тўсиқ қўйиш нафақат бир қаламқашнинг, балки бўтин жамиятнинг манфаатига зарар етказди.

Журналистларга буйруқ берадиганлар қўпайган жойда эркин сўзининг нафаси қисилди. Эркин сўз бўлган муҳитда эса оммавий ахборот воситалари ўзининг асосий вазифаси — жамиятнинг қўзи, қулоғи ва виждони бўлиш вазифасини тўлақонли бажара олмайди. Зеро, қўли давлатнинг белгиси танқиддан қўрқмайдиган, ҳақиқатдан ўз ўғирмайдиган ва журналистнинг мустакил фаолиятига ҳурмат билан қарайдиган жамиятдир.

Бугунги мураккаб ва масъулиятли давр муҳаррирдан, аввало, мустакил фикрлашни, ташаббускорликни, касбий жасоратни ва жамият олдидаги масъулиятни талаб этмоқда. У мамлакатда кечаётган ислохотларни халққа тўғри, холис ва таъсирчан тарзда етказиши, мавжуд муаммоларни яширмасдан, уларни ечимга хизмат қиладиган тарзда кўтариши, давлат ва жамият ўртасида ишончи мулоқот кўприғи вазифасини бажариши лозим.

Шу боис ҳар бир тахририятнинг мустакиллиги, ҳар бир бош муҳаррирнинг касбий масъулияти ва шахсий позициясини сақлаб қолиш жуда муҳим. Чўнки кўчи матбуот, аввало, кўчли тахририятлар ва кўчли муҳаррирлар орқали шаклланади.

Шунинг учун ҳам “Ҳаммани бирлаштириб, битта марказдан бошқариш керак” деган қарашдан қўра, ҳар бир нашрни қучайтириш, муҳаррирларнинг салоҳиятини ошириш, тахририятларни замонавий фикрлашга, тезкорликка, чўқур таҳлилга, холисликка ва халқ билан очик мулоқотга ундаш анча самарали йўлдир.

Матбуотни ривожлантиришнинг йўли уни бир хил овозга айлантиришда эмас. Аксинча, ҳар бир нашрнинг ўз овози, ўз юзи, ўз позицияси ва ўз ўқувчиси олдидаги масъулиятини қучайтиришдир. Зеро, фикрлар хилмаҳиллиги бор жойда тараққиёт бўлади, мустакил матбуот бўлган жойда эса жамият ўзини эшилта олади.

Айтиб ўтганимиздек, ҳадиладлар матбуотни миллатиий ўзгатиш минбар деб билган эди. Улар учун газета ва журнал халқ тафаккурини шакллантириш, жамиятнинг тараққиётга бошлаш ва миллат келажаги учун қўра майдони ҳисобланарди.

Бугун Янги Ўзбекистон матбуоти зиммасида ҳам ана шундай улкан вазифалар турибди. Бу бизга жуда катта масъулият юклайди, тинимсиз изланишга, ижода ундайди. Матбуот халқни ўйлатадиган, ислохотлар моҳиятини англададиган, мавжуд муаммоларни очик қўрсатадиган, одамларни ечим излашга ва фаол фуқаролик позициясига қорлайдиган таъсирчан куч бўлиши лозим.

Тўғри, мазкур натижаларга осонликча эришилмайди. Бу эзгу йўлда журналистнинг жонқуярлиги билан бирга, бош муҳаррирнинг нйгоҳи, диди, жасорати ва масъулиятни ҳис қилиши муҳим аҳамият касб этади.

